Ушбу сонда:
2 Муаммо кўндаланг қўйилади ҲАРАКАТ БОР, ЛЕКИН МАБЛАҒ ЙЎҚ
3 TV – ДАСТУРИ
4 БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 20 феврал, жума № 28 (1661)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МУҲТАШАМ СПОРТ МАЖМУАСИ

«Универсиада-2004» мусобақаларининг очилиш ва ёпилиш маросимлари, асосий беллашувлар ўтадиган ҳашаматли спорт мажмуи қурилиши жадал давом этмоқда. Самарқанд Давлат университети қошидаги академик лицей ҳудудида барпо этилаётган ушбу стадионнинг лойиҳа қиймати қарийб етти миллиард 600 миллион сўмни ташкил этади.

- Қурилиш ўтган йилнинг ноябрида бошланган эди,- дейди академик лицейлар қурилиши республика инжиниринг компаниясининг Самарқанддаги вакили С.Салоҳиддинов. - Ҳозиргача беш миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Халқаро андозаларига тўла жавоб берадиган ёпиқ стадион, мини-футбол, гандбол, кураш, дзюдо, самбо, бокс ва бадиий гимнастика залларида сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **Ф А Р М О Й И Ш И**

2004-2008 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Умумий таълим мактаблари моддий-техника базаси ҳолатини танқидий баҳолаш ҳамда 2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш мақсадида:

1. Умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг ҳолатини ўрганиш ҳамда 2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссия тузилсин.

Республика минтақаларида умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг ҳозирги ҳолатини танқидий ва батафсил ўрганиб чиқиш учун ишчи гуруҳлар тузилсин.

2. Махсус комиссия ва ишчи гуруҳлар:

ишлаб турган умумий таълим мактабларини:

а) капитал реконструкциялаш;

б) капитал таъмирлаш;

в) жорий таъмирлаш талаб қилинадиган мактаблар жумласига киритиш мезонларини аниқ белгиласинлар;

умумий таълим мактаби паспортини ишлаб чиқсинлар, унинг асосида мактабнинг моддий-техника базаси ҳолатига, ичимлик сув ва иссиқлик билан таъминланиш даражасига, санитария шохобчаларининг ҳолатига, шунингдек ошхоналар, спорт заллари ва майдончалар билан таъминланиш даражасига танқидий баҳо бериш мумкин бўлади. Текшириш ва баҳо бериш натижалари бўйича мактабларни алоҳида:

- капитал реконструкциялаш;
- капитал таъмирлаш;
- жорий таъмирлаш талаб қилинадиган мактаблар жумласига киритсинлар;
- капитал реконструкциялаш талаб қилинадиган мактаблар тоифасига киритиб бўлмайдиган авария ҳолатидаги мактаблар бузиб ташланиши ва уларнинг ўрнига зарур бўлган жойда янги мактаблар қурилиши лозим;

мактаблар ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, кутубхоналар ва ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражасини ўрганиб чиқсинлар.

3. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланма\ларини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси (А.Азизхўжаев) бир ой муддатда:

умумий ўрта таълим тизимида қўлланилаётган таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш мақсадида уларни ўрганиб чиқсин ва баҳо берсин;

педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш тизимини, мактабларнинг олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминланиш даражасини танқидий таҳлил қилсин. Ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, айниқса уларнинг қишлоқ мактабларида муқим жойлашиб қолиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Республика минтақаларидаги умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳлар бир ой муддатда:

Махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган саволнома ва мактабнинг бир хил типдаги паспорти асосида жойларга бориб барча мактабларни тўлиқ рўйхатдан ўтказсин, уларни паспортлаштириб, хулоса тайёрласин;

рўйхатдан ўтказиш материалларини танқидий таҳлил ва таклифлар билан бирга умумлаштириш учун Махсус комиссияга тақдим қилсин.

5. Махсус комиссия (Ш.Мирзиёев) тегишли вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари иштирокида 2004 йилнинг 1 майига қадар муддатда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан уйғунлаштирилган ҳолда 2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Дастурда минтақалар, айниқса қишлоқ жойларда йилма-йил қуйидаги бешта бўлимлар бўйича аниқ чора-тадбирлар комплекси кўзда тутилсин:

- мактаблар, шу жумладан бориш қийин бўлган минтақалар ва қишлоқларда жойлашган мактабларнинг биноларини капитал реконструкциялаш, капитал ҳамда жорий таъмирлашнинг манзиллари аниқ кўрсатилган дастурларини ишлаб чиққан ҳолда, умумий таълим мактабларининг моддий-техника базасини ривожлантириш;
- мактабларни ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш;
- таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;
- умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, педагог кадрлар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;
- умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш.

6. Махсус комиссия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Мактабларни ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармасини ташкил қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, уни шакллантириш тартиби ва манбаларини аниқ белгилаб қўйсин.

Белгилаб қўйилсинки, Мактабларни ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармасининг маблағлари 2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида фойдаланилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

мактаблар моддий базасининг ҳақиқий ҳолатини (стандартлардан амалда четга чиқишларни ҳамда нормал таълим ва тарбия жараёни учун барча зарур ҳоналар мавжудлигини) ҳисобга олган ҳолда қишлоқ жойлари ва шаҳарлар хусусиятларини эътиборга олиб, мактабларни капитал реконструкциялашга оид бир хил типдаги лойиҳаларни тайёрласин;

конкрет нормативларни аниқлаган ҳолда мактабларни капитал ҳамда жорий таъмирлаш бўйича иш турларининг мезонлари ва талабларини аниқ белгилаб қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги икки ой муддатда истеъдодли, ўз касбига содиқ, таълим ва тарбия жараёнига катта ҳисса қўшган ўқитувчиларни рағбатлантиришнинг самарали механизмини вужудга келтиришни назарда тутган ҳолда ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ва тариф ставкаларини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритсин.

Бошланғич синфлар ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

9. Ушбу Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 19 феврал

Меҳнат муҳофазаси

«Бухоротаъмир» ҳиссадорлик жамияти вилоятдаги энг тўнғич меҳнат жамоаларидан бири саналади. Корхонада асосан қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган тракторларнинг моторлари таъмирланиб, уларга керакли эҳтиёт қисмлар тайёрланади. Бундай юмушларни кўнгилдагидек бажариш учун 138 нафар ходим эртаю кеч меҳнат қилмоқда. Ишловчиларнинг 24 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади.

ЯХШИ ШАРОИТ ЭВАЗИГА

Жамоада меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор билан қаралади. Ҳар бир ишловчига хавфсиз меҳнат шароити яратилган. Чунки жамоа аъзоларининг меҳнат жараёнидаги хавфсизлигидан ҳар икки томон ҳам манфаатдордир.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларининг бажарилишини таъминлаш ва ишлаб чиқаришда шикастланишнинг олдини олишга бағишлаб ўтказилган вилоят семинарида ушбу корхонада амалга оширилган ишларга ижобий баҳо берилганлиги бежиз эмас.

— Ҳам маъмурият, ҳам касаба уюшма қўмитасининг меҳнат кишисига ғамхўрлик ва етарлича шарт-шароитлар яратишга эътибор билан ёндошиши эвазига ютуқларимиз сезиларли ошиб бораётир, – дейди касабақўм раиси Р.Мирзаев.

Бир йиғин ёхуд тадбирда меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги шароитларини яхшилаш масаласи муҳокама этилса, кейингисида ишлаб чиқариш санитарияси бўйича мутасаддиларнинг ахборотлари эшитилади ва хулосалар чиқарилади. Жамоа шартномаси талабларидан келиб чиқиб, ишловчиларга белгиланган муддатларда махсус кийим-бош, пойафзаллар, қўлқоплар ҳамда шахсий ҳимоя воситалари бериб борилади. Белгиланган меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар, тавсияларга пухта амал қилиш эвазига кейинги 5 йилда ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бирорта ҳам бахтсиз ҳодиса кузатилмади.

Агар корхонада 2002 йилда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига 2,2 миллион сўм сарфланган бўлса, кейинги йили ана шу мақсадлар учун 1,5 баравар кўп маблағ ажратилганлиги ҳам бу ерда ушбу соҳага эътибор катта эканлигини кўрсатади.

Қайси цехга кирманг, у ерда дид билан безатилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича махсус бурчаклар, дам олиш хоналарига кўзингиз тушади. Хавфсизлик қоидаларини ўргатиш бўйича алоҳида ўқув хоналари ишлаб турибди. Янги ишга кирганлар билан суҳбатлар ўтказилади. Корхонанинг барча цехларида техника хавфсизлиги бўйича бурчаклар ташкил қилинган. Уларда огоҳлантирувчи кўргазмалар осиб қўйилган. Яна бир таъкидлашга молик жиҳат. Цехлар ва улардаги ускуналар талаб даражасида бўлиб, хоналар тоза ва озода. Табиий ёруғлик даражаси етарли. Корхона ҳудудини ободонлаштиришга, унинг санитария ҳолатини яхшилашга эътибор катта.

Корхона касаба уюшма қўмитаси ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси комиссияси аъзоларининг фаолияти ҳақида ҳам илиқ фикрларни билдириш мумкин. Улар меҳнатни муҳофаза қилиш шароитларини яхшилашни, шунингдек, белгиланган талаб ва қоидаларга риоя этиш устидан жамоатчилик назоратини изчил амалга ошириб келмоқдалар. Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан ўтказилаётган кўрик-танловнинг вилоят ва республика босқичида ушбу жамоа ғолиблар сафидан жой олди. Ана шунинг ўзи ҳам жамоада меҳнат шароитлари яхшиланётганлигидан далолат беради.

Якунланган йилда ҳиссадорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш олдинги йилга нисбатан қарийб 20 фоизга ошди. Ўз навбатида олинадиган соф фойда миқдори ҳам кўпайди. Иш ҳақининг йиллик ўсиш салмоғи 40 фоизни ташкил этганлиги қувонарли ҳолдир. Шу тарзда ҳар бир ишловчига тўғри келадиган ўртача ойлик иш ҳақи 40 минг сўмга етай деб қолди. Бунга овқат пули, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганлиги учун тўланадиган қўшимча ҳақ, моддий ёрдам ва мукофот пуллари кирмайди, албатта.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири

ГРАНТ ҚЎЛ КЕЛДИ

Нукус шаҳрининг «Қизкеткен» мавзесидаги 25-мактаб йигирма йил аввал ишга туширилган эди. Мактаб биноси анча таъмирталаб бўлиб қолган. Японияннинг Ўзбекистондаги элчихонаси мактабни таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 80 минг 695 АҚШ доллари миқдорида грант ажратди.

- Ушбу маблағ ҳисобидан ўн бешта синф хонаси жиҳозланади, спорт анжомлари ва компьютерлар, радиотехника воситалари, тикув машиналари келтирилади,- дейди мактаб директори Ў.Иброҳимов.

МУРУВВАТЛИ АЛОҚАЧИЛАР

«Ўзбектелеком» акционерлик компанияси «Тошкент-телеком» филиалининг Оҳангарон боғламаси тумандаги «Саховат уйи»га эллиқта радионукта ўрнатиб берди. Эскирган симлар янгиланиб, замонавий радиотехникалар қўйилди.

- Режалаштирган хайрли ишларимиз кўп, - дейди боғлама раҳбари Шуҳрат Қўчқоров. - Кам таъминланган хонадонлардаги телефон симларини янгилаш, уларга имтиёзли нархларда хизмат кўрсатиш ниятидамиз.

«ОЛТИН ШЕР»НИНГ ЯХНА ИЧИМЛИКЛАРИ

«Олтин шер» хусусий фирмаси ўзининг дастлабки маҳсулотларини сотувга чиқарди.

«Заминбанк»нинг вилоят бўлими кредити ҳисобидан фаолият юрита бошлаган корхонада кунига беш минг дона 1,5 литрли яхна ичимлик қадоқланмоқда. Маҳсулот Швейцария технологияси асосида тайёрланяпти. Йигирма киши меҳнат қилаётган корхона аҳли тез орада маҳсулот турини ўндан оширмоқчи.

(ЎзА)



«БИБИХОНИМ» ГУЗАРИ

«Бибихоним» маҳалла гузари Фарғона ва Қувасой шаҳарларини туташтирувчи катта йўл бўйида жойлашган. У миллий меъморчилик ва замонавий архитектура уйғунлигида барпо этилгани боис муҳташам ҳамда кўрклидир.

Гузарда ошхона, чойхона, озиқ-овқат ва саноат моллари дўконлари, бозорча, тўйхона ва новвойхона фаолият кўрсатмоқда. Эътиборли томони шундаки, ушбу гузар фарғоналик тадбиркор Набижон Болтабоевнинг шахсий маблағи ҳисобига бунёд этилди.

Суратларда: маҳалла гузари ишчиси Л.Мустафоева; гузарнинг умумий кўриниши.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар



ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Касаба уюшмалари Сирдарё вилояти Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ташкилий масала кўрилди. Вилоят кенгаши раиси этиб Камолиддин Оқбўтаев сайланди.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда қонунлар ижросини таъминлашда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тобора кучаймоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур қарор қабул қилингач, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бел боғлаган юзлаб жамоат ташкилотларига асос солинди.

Номи зикр этилган қарор асосида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси зиммасига фуқаролар манфаатларини ҳимоялашдек юксак масъулият юклатилди. Бу борада федерация, аввало, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мазкур ўқув йилидан таълим муассасаларида истеъмолчилар ҳуқуқларига дахлдор қонун ҳужжатларини ўқитиш бўйича махсус курслар жорий этилгани боис ҳуқуқшунос-ўқитувчилар малакасини оширишга ҳам жиддий аҳамият берилянти.

- Ўтган йили истеъмолчилардан тўрт мингга яқин ариза ва шикоят келиб тушди,- дейди федерация раисининг ўринбосари Норбек Пардаев ЎзА мухбирига. - Уларнинг аксарият кўпчилиги истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди. Шундан элликка яқини судларда федерация вакиллари иштирокида кўриб чиқилиб, истеъмолчилар ҳуқуқлари тикланди.

Истеъмолчиликка оид қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши борасида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган мониторинг натижасида 216 ташкилот томонидан истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилганлиги ҳолати аниқланиб, айбдорларга нисбатан 120 миллион сўмдан ортиқ жарима қўлланилди.

(ЎзА)

Қилмиш-қидирмиш

МЎЙМАЙ ДАРОМАД ВАСВАСАСИ

Ўз нафсига мағлуб бўлиш алалоқибат кишини эл кўз ўнгида шармандаи шармисор қилиши турган гап. Пскентлик Абдурашид Абдуғаниев ҳам «Абдуғаниев А.» фермер хўжалигини ташкил қилдию, мўмай даромад васвасасига тушди. Кўнглида шайтоний қутқу ўрмалади. «Ахир бел оғритмай ҳам катта фойданинг эгаси бўлиш мумкинку», деган фикр кечди хаёлидан.

Кўр кўрни қоронғида топади, деганларидек А.Абдуғаниевнинг эски қадрдони Қутбиддин Аширматов «Қишлоқхўжаликкимё» туман филиалида омбор мудири бўлиб ишларди. Икки дўст ўзаро ишни пишита бошлашди. «Менга суянсанг, биринг минг бўлишига ишонавер», дея Қ.Аширматов ҳамтовоғининг елкасига қоқиб қўйди.

Кунларнинг бирида А.Абдуғаниев филиалдан шартномадаги минерал ўғитни ундириш баҳонасида дўстининг ҳузурига йўл олди. Олдиндан пишитилган режа бўйича фермер хўжалиги бошлиғи омборчи ўртоғининг «саховати» билан шартномада белгиланганидан 2275 килограмм ошиқча селитрани ҳеч қандай ҳужжатларсиз уйга олиб қайтди. Табиийки, Қ.Аширматовни ҳам қуруқ қўйгани йўқ...

Осонгина қўлга киритилган «ўлжа»га харидор ҳам тезда топила қолди. Абдурашид Абдуғаниев божаси Собир Ҳотамовнинг ушбу экин учун зарур озиқани сўроқлаб юрганидан хабардор бўлгани учун унга секин шипшитди. С.Ҳотамов арзонроқ, тақчил ўғит учраганига хурсанд бўлиб, унинг ўғирланган эканлигига ҳам эътибор бермай 2 минг килограммини 172 минг сўмга сотиб олди. У ҳам, ўз навбатида, мазкур ўғитни укалари Анвар ва Акмал Ҳотамовларга пуллади.

«Ҳаром мол буюрмас», дейилганидек уларнинг қилмиши ўша заҳоти фош бўлди. Талон-тарож қилинган мол хуфёна савдо бўлиб, ЕРАЗ-672 русумли, давлат рақами 11G 13-29 бўлган автомашинада олиб кетилаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари томонидан ушланди. Ҳозирда нафси ҳакалак отган ҳамтовоқлар - Қ.Аширматов ва А.Абдуғаниев, жиноятга шерик бўлмиш ака-ука Ҳотамовлар қонун олдида жавоб беришмоқда. Энг ёмони, улар ўз қилмишлари билан эл олдида ҳам уятли бўлишди. Нафс тузоғига илиниб, ўйламай босилган қадам сўнгсиз пушаймонликларга сабаб бўлиши ушбу мисолда яққол ўз исботини топди.

М.ЮЛДАШЕВ,
Пскент туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга карши курашиш бўлими тезкор ходими

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

АНИҚ ВА ТЕЗКОР

Акциядорлик тижорат «Ўзуйжойжамғармабанки» Фарғона бўлимида ўтган йили фаолият кўламини кенгайтириш, яъни хизмат турларини кўпайтириш, янгиларини жорий этишга катта эътибор қаратилди.

Айни кунларда бўлим томонидан 1089 та корхона ва ташкилотларга, 4200 дан ортиқ омонатчиларга хизмат кўрсатилмоқда. Мижозлар сони ўтган йил давомида 111 тага ошди. Бунга мижозларнинг катта кичиклиги-ю, бошқа жиҳатларидан қатъий назар барчасига бирдек сифатли, аниқ ва тезкор хизмат кўрсатиш натижасида эришилди. Ўтган йил давомида Марғилон ва Қўқон шаҳарларида мини банклар очилганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Энди марғилонлик ва қўқонлик мижозлар ўз шаҳарларидан туриб банк хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Шу билан бирга 2003 йил давомида 4 та омонат кассалари иш бошлаганини айтиб ўтиш жоиз.

Мамлакат иқтисодиёти ривожланишига кўмаклашиш, халқ хўжалиги тармоқларини қўллаб-қувватлаш мақсадида банк бўлими томонидан ўтган йили 2 миллиард 77 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Шунинг 697 миллион сўми, яъни 33,5 фоизи иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун эса 781 миллион сўм сарфланди. Алоҳида айтиш жоизки, ажратилган кредитларнинг 117,5 миллион сўми банк вилоят бўлимининг имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган. Бугунги кунда 30 нафар деҳқон ва фермер хўжаликлари ўз фаолиятларини йўлга қўйишлари ва ривожлантиришларида банкнинг доимий кўмагидан фойдаланишмоқда. Йирик мижозлардан саналган «Фарғона ип-газлама ишлаб чиқариш корхонаси» ҳиссадорлик жамияти, «Фарғонагаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси ва бошқалар йил давомида банк кредитларидан фойдаланиб келишди. Жумладан, «Фарғона ип-газлама ишлаб чиқариш корхонаси» ҳиссадорлик жамиятига пахта толаси сотиб олиш учун 423 миллион сўм миқдорида қарз ажратилди. Натижада корхонанинг 3165 нафар ишчиларининг узлуксиз ишлашлари таъминланди.

- Бўлимимиз томонидан хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор берилмоқда, - дейди банк бошқарувчиси Шавкат Мадвалиев. - Ҳозирги пайтда 636 та кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатяпмиз. Уларга алоҳида эътибор қаратиб, маблағларнинг йўналтирилишини назоратга олиб, керакли ўринда маслаҳат бериб турамиз. Бу энди иш бошлаган тадбиркорга, шу билан бирга банкка ҳам фойдали, албатта.

Бўлим томонидан бултур 136 та кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молияланди. Шу ўринда айтиш жоизки, кредитлар беришда банк ўз маблағлари билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Яъни бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларини ҳам тадбиркорларга қарзга берилмоқда. Жумладан, ўтган йили бизнес фонд маблағлари ҳисобидан 26 та деҳқон-фермер хўжаликларига 40,7 миллион сўм микрокредитлар расмийлаштириб берилди.

Тадбиркорлик корхоналарига йўналтирилган маблағларнинг 169 миллион сўми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланди. Деҳқон-фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун эса 335 миллион сўм йўналтирилган. Берилган қарзлар эвазига 135 та янги ишчи ўринлари яратилди.

- Агар биз фақат катта фойда кўришни кўзласак, кредит маблағларини савдо-сотиққа йўналтирган бўлардик, - дейди бош ҳисобчи Муяссар Валиева. - Лекин ўз олдимизга халқ хўжалигининг барча тармоқларини, шу жумладан, қишлоқ хўжалигини ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашишни мақсад қилганмиз. Чунки уларнинг ривожланиши иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлайди.

Албатта, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши юқори бўлиши иқтисодий барқарорликни таъминлашда катта ўрин тутади. Агар дунё иқтисодиётида бозор конъюктураси ҳар 9 ойда ўзгариб туришини ҳисобга олсак, кичик бизнес вакиллари ўз ишлаб чиқариш имкониятларини бозорга тез мослаштира олиши билан ўз самарадорлигини йўқотмайди.

Ҳукуматимиз томонидан ойлик маошларини ўз вақтида берилишини таъминлашга катта эътибор қаратиляпти. Шунга ҳамоҳанг тарзда банк мижозларининг иш ҳақидан бўлган қарздорликларини бартараф этиш мақсадида 58,9 миллион сўмлик қисқа муддатли кредитлар берилди.

Жисмоний шахсларга валюта айрибошлаш бўйича янада қулайлик яратиш мақсадида ўтган йил давомида 2 та қўшимча шохобча очилди. 2002 йилга нисбатан валюта сотиш 6-7 мартага кўпайиб, 1,3 миллион АҚШ долларига етди.

Очиғини айтиш керакки, бугунги кунда вилоятларда мижозларни нақд пулга бўлган талабини қондириш бироз оғир кечяпти. Шу боис бўлимда нақд пул тушумига эга бўлган 110 та мижоз бўлиб, уларнинг кунлик нақд пул тушумини ўз вақтида банк кассаларига топширишлари бўйича назорат олиб борилябти. Савдо корхоналарининг нақд пул тушуми мониторингга олинган. Зарур ҳолларда фаолиятларини изга солиш учун уларга қисқа муддатли кредитлар берилади. Бунинг натижасида банк ғазнасига нақд пул тушуми яхшиланяпти.

Банк жорий йилда ҳам кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кенгроқ имкониятлар яратиш, ўзаро шерикчилик алоқаларини мустаҳкамлаш, шу билан бирга хорижий кредит линиялари ҳисобидан маблағ ажратиш бўйича ишларни жадаллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири

Ислоҳот мевалари

ФОЙДАНИНГ 70 ФОИЗИ АКЦИЯДОРЛАРГА

дивидент сифатида тўланади

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, бозор тамойилларини шакллантиришда акциядорлик жамиятлари муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, Чироқчи туманидаги паррандачилик фабрикаси бундан 8 йил муқаддам мулк шаклини ўзгартириб, акциядорлик жамиятига айлантирилган эди. Ўшандан бери 4 марта акциялар чиқарилиб, қимматли қоғозлар бозори янада бойитилди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб, етиштириладиган маҳсулот миқдори кўпайди. Жамоа аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ортиб, рўзғорига қут-барака кирди.

Бугунги кунда «Истиқлол» дея аталувчи мазкур акциядорлик жамияти нафақат Қашқадарёда, балки мамлакатдаги йирик паррандачилик корхоналаридан бирига айланди. Жамоада аҳиллик, ишчанлик вазияти, соғлом маънавий муҳит қарор топганлиги муваффақиятни таъминламоқда.

Айрим паррандачилик корхоналари банкротга юз тутиб, маҳсулот етиштириш камайиб кетган бир пайтда, акциядорлик жамияти ривожланишнинг ойдин йўлига ўтиб олганлигининг боиси нимада?

– Энг муҳими одамларда мулкка эгалик ҳисси шаклланиши керак, – дейди жамият раиси Шокир Жуланов. – Ҳар бир киши ўзини мулкдор, деб ҳисобласа, шунинг орқасидан манфаат кўрса, ислоҳотларга қизиқиш уйғонади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни жўнгина кечаётгани йўқ, албатта. Дастлаб анча-мунча қийинчиликларга дуч келинди. Раҳбарнинг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги туфайли вазият яхшилана бошлади. Айни пайтда корхонада 145 минг бош товуқ парваришланмоқда. Ҳар куни 70 мингта тухум тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти.

Харидорлар сафи йил сайин кенгаймоқда. Етиштирилаётган пархез гўшти «Қашқадарёулгуржитаъминот» акциядорлик жамиятига етказиб берилаётган бўлса, тухум вилоят туманлари ва Тошкент шаҳридаги бозорларга юз тутиб, маҳсулот етиштириш камайиб кетган бир пайтда, акциядорлик жамияти ривожланишнинг ойдин йўлига ўтиб олганлигининг боиси нимада?

– Энг муҳими одамларда мулкка эгалик ҳисси шаклланиши керак, – дейди жамият раиси Шокир Жуланов. – Ҳар бир киши ўзини мулкдор, деб ҳисобласа, шунинг орқасидан манфаат кўрса, ислоҳотларга қизиқиш уйғонади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни жўнгина кечаётгани йўқ, албатта. Дастлаб анча-мунча қийинчиликларга дуч келинди. Раҳбарнинг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги туфайли вазият яхшилана бошлади. Айни пайтда корхонада 145 минг бош товуқ парваришланмоқда. Ҳар куни 70 мингта тухум тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти.

Харидорлар сафи йил сайин кенгаймоқда. Етиштирилаётган пархез гўшти «Қашқадарёулгуржитаъминот» акциядорлик жамиятига етказиб берилаётган бўлса, тухум вилоят туманлари ва Тошкент шаҳридаги бозорларга юз тутиб, маҳсулот етиштириш камайиб кетган бир пайтда, акциядорлик жамиятлари ривожланишнинг ойдин йўлига ўтиб олганлигининг боиси нимада?

– Энг муҳими одамларда мулкка эгалик ҳисси шаклланиши керак, – дейди жамият раиси Шокир Жуланов. – Ҳар бир киши ўзини мулкдор, деб ҳисобласа, шунинг орқасидан манфаат кўрса, ислоҳотларга қизиқиш уйғонади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни жўнгина кечаётгани йўқ, албатта. Дастлаб анча-мунча қийинчиликларга дуч келинди. Раҳбарнинг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги туфайли вазият яхшилана бошлади. Айни пайтда корхонада 145 минг бош товуқ парваришланмоқда. Ҳар куни 70 мингта тухум тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти.

Харидорлар сафи йил сайин кенгаймоқда. Етиштирилаётган пархез гўшти «Қашқадарёулгуржитаъминот» акциядорлик жамиятига етказиб берилаётган бўлса, тухум вилоят туманлари ва Тошкент шаҳридаги бозорларга юз тутиб, маҳсулот етиштириш камайиб кетган бир пайтда, акциядорлик жамиятлари ривожланишнинг ойдин йўлига ўтиб олганлигининг боиси нимада?

– Энг муҳими одамларда мулкка эгалик ҳисси шаклланиши керак, – дейди жамият раиси Шокир Жуланов. – Ҳар бир киши ўзини мулкдор, деб ҳисобласа, шунинг орқасидан манфаат кўрса, ислоҳотларга қизиқиш уйғонади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни жўнгина кечаётгани йўқ, албатта. Дастлаб анча-мунча қийинчиликларга дуч келинди. Раҳбарнинг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги туфайли вазият яхшилана бошлади. Айни пайтда корхонада 145 минг бош товуқ парваришланмоқда. Ҳар куни 70 мингта тухум тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти.

Харидорлар сафи йил сайин кенгаймоқда. Етиштирилаётган пархез гўшти «Қашқадарёулгуржитаъминот» акциядорлик жамиятига етказиб берилаётган бўлса, тухум вилоят туманлари ва Тошкент шаҳридаги бу-

самара бермоқда. Паррандаларни озиқлантириш, тухум йиғиш, суғориш ана шу механизмлар ёрдамида амалга оширилади.

– Халқимиз паррандачиликни етти хазинанинг бири, деб атайди, – дейди паррандабоқар Э.Ҳожиев. – Лекин товуқлар парвариши қийин ва мураккаб иш. Уларни доимий равишда зооветеринария кўригидан ўтказиб, кучли озуқалар билан парваришлаш талаб этилади.

Мутахассислар тавсиясига асосан озуқа рациони тузиб чиқилган. Паррандалар суяк ва балиқ уни, ғилла ғумбаги, соя ва пахта шроти, маккажўхори ва буғдой, кўк ўтлар билан боқилади. Бундан ташқари уларга ҳар хил витаминлар бериб борилади.

Корхона касаба уюшма қўмитаси раисининг таъкидлашича, жамоада иш шароитлари яхшиланиб бораяпти. Ходимларга бепул тушлик берилади. Ишчи-хизматчиларнинг ишга қатнашишлари учун махсус автобус ажратилган. 152 нафар меҳнаткаш вақти-вақти билан рағбатлантириб турилади. Уларнинг дам олиши, соғлиғини тиклаши учун етарли миқдорда маблағ ажратилган.

Ҳуллас ҳиссадорлик жамиятида мулкка эгалик ҳисси қарор топиб, моддий манфаатдорлик ошмоқда. 125 минг дона акциянинг ҳар бирига 400 сўмдан дивидент тўғри келганлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди.

ЁЛҚИН

РЎЗИ ЧОРИЕВ



Бешафқат ўлим миллий маданиятимизнинг йирик намояндаси, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги Рўзи Чориевни 73 ёшида орамиздан олиб кетди.

Рўзи Чориев 1931 йилда Сурхондарё вилояти Шеробод туманининг Пошхурт қишлоғида туғилди. И.Репин номидаги Санкт-Петербург рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик институтида ўқиб юрган йилларида катта истеъдод эгаси эканлигини намоён этиб, ўзбек рангтасвир санъатига ўзига хос янги ижодий йўналиш олиб кирди.

Рассом ўзининг дастлабки асарларида оддий меҳнаткаш замондошлари образини яратишга алоҳида эътибор берди. Кейинчалик ўзбек фани ва маданияти йирик намоёндаларининг портретлари туркумини яратди. Унинг ижодида Сурхон воҳасининг қадимий тарихи ва сулув табиати, юртимизнинг гўзал манзаралари юксак бадиий маҳорат билан акс эттирилди. Р.Чориев мўйқаламига мансуб «Сурхондарё гўзали», «Пошхуртлик аёл», «Келин», «Алпомишнинг ватани» каби асарлар бетакрор миллий руҳи билан ажралиб туради.

Рассомнинг турли қитъа ва минтақаларда яшовчи халқлар турмушига оид қатор асарлари хорижлик мухлислар эътиборини қозонган. Уларнинг кўпчилиги АҚШ, Франция, Италия, Россия, Ҳиндистон ва бошқа давлатларнинг музей ва галереяларида сақланмоқда.

Р.Чориев самарали ижод билан бирга Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида узоқ йиллар ёшларга тасвирий санъат сирларини ўргатиб келди ва кўплаб шогирдлар тарбиялади.

У она юртимизнинг толмас куйчиси эди. У ҳамиша одамлар орасига, мухлислари даврасига ошиқар, мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларидан завқланиб яшарди.

Рўзи Чориевнинг миллий маданиятимиз ва санъатимиз ривожига қўшган ҳиссаси муносиб баҳоланган. У «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби», «Ўзбекистон халқ рассоми» фахрий унвонларига сазовор бўлган, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган эди.

Ўзбекистон миллий санъатининг атоқли намояндаси, меҳрибон устоз, олижаноб инсон Рўзи Чориевнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, А.АЗИЗХЎЖАЕВ, А.ОРИПОВ, Т.ҚЎЗИЕВ, Р.АҲМЕДОВ, М.НАБИЕВ

Муаммо кўндаланг қўйилади

Одатда коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларининг ходимлари аҳолининг эътироз, шикоят ва танбеҳларига кўникиб қолишган. Негаки, бу соҳадаги камчилик, нуқсон ва муаммолар шу даражада ошиб-тошиб кетибди-ки, бирини тузатсанг, иккинчиси бошқа ёқдан «мана мен» деб чиқиб қолади. Лекин, Урганчдаги 1-уй-жойлардан фойдаланиш масъулияти чекланган жамиятда бўлганимизда бир мунча бошқача ҳолатга дуч келдик. Жамият директори Ортиқ Курбонов икки варақ қоғозни узатди. Бу ал-Хоразмий кўчасида истикомат қилувчи меҳнат фахрийси Ф. Костюшкиннинг миннатдорчилик хати экан. У ўз хатида жамият ходимлари олиб бораётган ишлардан қониқиш ҳосил қилганлигини билдириб, ҳаммага қайта-қайта раҳмат айтишни сўрабди.

ҲАРАКАТ БОР, ЛЕКИН МАБЛАҒ ЙЎҚ

Бундан ходимлар хабардорми? - сўраймиз директордан.

— Ҳа, ўқиб бердим. Ҳамманинг кайфияти бироз кўтарилди. Лекин улар халққа янада яхшироқ хизмат кўрсатиш учун маблағнинг етишмаслигидан хижолат бўлишаяпти. Лекин ҳаракат қиляпмиз, изланаяпмиз, имкониятлардан фойдаланяпмиз, - деди директор.

Бугунги кунда жамият аъзолари аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида кўплаб ишларни амалга оширишмоқда. Асосий эътибор Ўзбекистон Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра 1991 йилгача барпо қилинган кўп қаватли турар-жой биноларини таъмирлашга қаратилмоқда. Мамлакат раҳбариятининг кўрсатмаларига биноан бундай бинолар 2006 йилгача маҳаллий бюджет ҳисобидан тўла мукаммал таъмирланиши зарур. Ушбу ҳудуддаги 75 та кўп қаватли турар-жой биносидан 74 таси 1991 йилдан олдин қурилган. 2002 йилда 4 та турар-жой мукаммал таъмирланди. 14 миллион сўмлик таъмир ишларини жамият аъзолари ўз кучлари билан амалга оширишди. 2003 йилда эса жамият банкдан 15 миллион сўм кредит олди. Бу маблағга ал-Хоразмий кўчасидаги 54а, 56-уйларнинг томини таъмирлаш учун материал олинди. Шу кўчадаги 44 хонадонли 48а ва Паҳлавон Маҳмуд кўчасидаги 96 хонадонли уйларининг иссиқлик, иссиқ ва совуқ сув тармоқлари таъмириланди. Лекин бу уйларнинг томини таъмирлаш, хонадонларга сув ҳисоблагичлар ўрнатиш, ал-Хоразмий кўчасидаги 46-, 54-, 56-уйларнинг иссиқлик тармоқларини таъмирлаш учун маблағ масаласи ҳал бўлмай қолди.

Ўтган йилда ҳудуддаги 10 та кўп қаватли турар-жой биносини мукаммал таъмирлаш режалаштирилганди. Вилоят ҳокимининг қарори билан шулардан 6 тасини таъмирлаш ҳомий ташкилотлар зиммасига юклатилганди. Йил якунига кўра ҳомийларнинг ҳаракати деярли кўзга ташланмади. Фақатгина Паҳлавон Маҳмуд кўчасидаги 3в ва Ғофур Ғулом кўчасидаги 15-уйларини таъмирлашга ҳомий қилиб белгиланган қуйи Амударё ирригация каналлари бошқармаси кеч бўлса ҳам ишга киришиб, талай юмушларни амалга оширди. Лекин, ал-Хоразмий, «Ўзбекистон овози», Паҳлавон Маҳмуд кўчаларидаги қатор уйларни мукаммал таъмирлашга ҳомий қилиб белгиланган вилоят «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси, «Хоразмтранс» юк ва йўловчи ташиш уюшмаси, «Хоразмқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари турли баҳоналарни рўкач қилиб, ишни пайсалга солишди.

Умуман олганда, ҳудуддаги муаммолар талайгина. Кўп қаватли уйларнинг ертўлаларидаги совуқ ва иссиқ сув тармоқлари (таъмирланганларидан ташқари) бутунлай эскирган, юқори босимга дош беролмайди. Бу эса ўз навбатида уйларнинг яхши иситилмаслигига, сув таъминотида узилиш бўлишига олиб келмоқда. Аҳолининг коммунал тўловлардан бўлган қарзи йилдан йилга ошмоқда.

– Истеъмолчи (истиқоматчи) қарздор, аммо унинг уйида авария содир бўлди, - дейди О.Қурбонов. – Лекин биз талабнома-буюртмани бажармасдан қолдирмаймиз. Гарчи бунга тўла ҳақли бўлсак ҳам. Мижознинг уйидаги қувурнинг маълум қисмини янгилаш зарур бўлса, биз унга зарур қувурни, пайванд учун карбид топишни таклиф қиламиз. Улар учун кетган харажат уй эгасининг қарзидан чегириб ташланади. Айрим муаммони шу йўл билан ҳал қиляпмиз. Иложи борича истиқоматчига ён босамиз. Афсус, айрим одамлар имконияти бўлса ҳам, бўлмағур баҳоналарни рўкач қилиб, қарзларини тўлашдан бош тортишади. Уни иссиқ-совуқ сув таъминотидан маҳрум қилсак, бошқалар жабр кўради. Ҳуллас, мавжуд муаммоларни одамийлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ҳал қилишга ҳаракат қилаяпмиз. Мақсадимиз иложи борича яхшироқ хизмат қилиш.

Бугунги кунда вилоятда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш борасида 32 та уй-жой мулкдорлари ширкати, 3 та уй-жойлардан фойдаланиш масъулияти чекланган ва 1 та «Урганч темирйўл уй-жой ва иншоотлари» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишлаб турибди. Ушбу ташкилотлар тасарруфида 981 та кўп қаватли уй ёки салкам 20 минг хонадон мавжуд. Шу хонадонларда истиқомат қилувчиларнинг аксарияти уйларнинг яхши иситилмаслигидан, юқори қаватга совуқ сувнинг чиқмаслигидан шиқоят қилишади. Негаки, Хоразмда ер ости сувлари сатҳи ер юзасига яқин бўлганлиги ва ерларнинг шўрхоклиги туфайли ер ости қувурлари 6-8 йилда ишдан чиқади. Ҳозирги кунда 1000 километрдан ортиқ совуқ сув ва 25 километрдан зиёд иссиқ сув қувурлари авария ҳолатида. Яхшиямки, бу йил қишнинг унчалик қаттиқ бўлмаганлиги бу борадаги нуқсонларни қисман бўлса-да, яширишга имкон берди. Лекин бугун-эрта бу нуқсонлар панд бериб, кўпчиликни ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Демак, таъмир ишларини олиб бориш зарур. Бунинг учун эса маблағ зарур. Бу ишларни бажаришга вилоят коммунал фойдаланиш ҳудудий бирлашмаси қошидаги таъмир ишлари бўйича дирекцияси масъул. Лекин бу ташкилот бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашга ва таъмир ишларига маблағ ажратишга ожиз. Негаки, унинг ҳисобида маблағ йўқ. Бу борада вилоят молия бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг ёрдами зарур.

Ҳуллас, коммунал хизмат соҳасидаги муаммолар талайгина. Улар бартараф қилинмас экан, бу борадаги эътирозлар, шикоятлар камаймайди. Мақсад эса уларга барҳам беришдир.

Кўклам РАҲИМОВ,
Хоразм вилояти

САВДО МАДАНИЯТИ ОШМОҚДА

Паркент ихтисослаштирилган қурилиш моллари бозори бугунги кунда нафақат биноларининг, павильон ва савдо расталарининг замонавий, бетакрор ва хушбичим кўриниши, балки бу ердаги озодалик, тартиб-интизоми, хизмат кўрсатиш маданиятининг юқорилиги билан ҳам харидорларни кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Шу боисдан бўлса керак ҳиссадорлик жамиятида белгиланган патта тушуми режалари доимо ошиғи билан бажарилаётир.

Жамоа улуши ҳисобига олинаётган соф фойда ҳиссадорларнинг моддий манфаатдорлиги ошишига хизмат қилмоқда. Йил якунларига кўра бу ерда ишловчи 56 киши номинал қиймати 1000 сўмдан бўлган акцияларга дивидент олди.



И.ҲАСАНОВ олган суратлар

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги марказий маслаҳат-ташхис шифохонасининг малакали тиббиёт ходимлари эл соғлиғини сақлашдек эзгу мақсад йўлида фидойилик билан меҳнат қилишмоқда. Чунончи, шифохона жамоаси салкам ўн икки ярим минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Хизмат савиясини юксалтиришда, жумладан, беморларга ўз вақтида тўғри ва аниқ ташхис қўйиш ҳамда даволашда шифохонанинг замонавий асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланганлиги муҳим аҳамият касб этяпти.

Суратларда: шифохона ҳаётидан лавҳалар.

ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Тадбиркорлик — давр талаби

Мана тўрт йилдирки, 72 гектар майдонда фермерлик қиламан. Шу йиллар мобайнида жамоамиз билан пахта ва буғдой ҳосилдорлигини муттасил ошириб келаяпмиз. Бунинг боиси – деҳқончилик маданиятини юксалтириш, меҳнатни тўғри ташкил этиш, билим ва тажрибадан окилона фойдалана олишда, деб биламан.

Ерга деҳқон меҳри керак. Тежамкор бўламан, деб хирмон сарҳисоб қилинганида, ўзини-ўзи алдаб қўйганини сезиб қолаётганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, йил мобайнида қайси вақтда қанча ўғит солиш масаласи олимлар томонидан илмий асослаб берилган. Обҳаво ўзгаришига, маҳаллий шароитга қараб ўғитлаш, суғориш ишларида қисман ўзгаришлар бўлиши мумкин. Лекин ерни алдаб бўлмайди. Ўтган йилги қўлда терилган пахтамизнинг оғирлиги бир прицепда 3,3 тоннагача чиққан ҳоллар кўп бўлди. Лаборатория текширувида намлиги бир хилда бўлган бошқа айрим ҳамкасбларимизнинг бир прицеп пахтаси 2 тонна, ҳатто ундан кам чиққанлигининг гувоҳи бўлдик. Ана шу ҳосил етиштирилган далалардаги ғўзаларнинг бўйи бизникидан баландроқ, очилиб турган чаноқлари бизникидан кўпроқ бўлади. Бунда фарқ асосан, чигитнинг пучроқ бўлиши, толанинг калтароқ эканлиги ҳисобига юз беради. Мен олий маълумотли агроном сифатида уруғлик танлаш, экиш сифати, агротехника қоидаларига амал қилишга жиддий эътибор бериб келаман.

Ишни деҳқончилик тажрибаси ва илмий асосда олиб борганлигимиз учун ҳам 2001 йилда ўтказилган Республика танловида тендер ғолиби бўлдик. Етиштирган ҳосилимиздан ажратиб олинган тўқ ва йирик чигитларимиздан уруғлик олиниши тавсия этилди. Натижада фойда миқдори ортиб, меҳнаткашларнинг мавсум охирида оладиган мукофот пуллари ҳам анча кўпайди.

2003 йил якунлари ҳам муваффақиятли бўлди. 37 гектар майдондаги ҳосилимизни йиғиштириб олдик. 50 тонна ҳосилимиз уруғлик учун ажратилди. Шунинг ўзидан 2 миллион 700 минг сўм соф фойда олинди.

Яхши ният билан келгуси йил ҳосили учун эккан буғдойимиз ҳозирги кунларда текис униб чиққан. Биринчи парвариш туғалланди.

Фермер хўжалигимиз ташкил этилиши муносабати билан бу ерда 43 нафар кишилар доимий иш ўрнига эга бўлдилар. Ўз оиламдан ҳам 5 киши иш билан таъминланди. Одамларимизнинг тинч, хотиржам меҳнат қилишлари учун, меҳнат уларга шодлик келтириши учун ҳаракат қилаяпмиз. Ана шу мақсадда 5 гектар майдон уларнинг эҳтиёжига мос келадиган экинлар учун ажратилди. Шунингдек, ўсимлик ёғи, буғдой мунтазам бериб борилади.

Фермер хўжалигимиз номи билан «Аср» деб аталган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маркази қурилиши ниҳоясига етмоқда. Бу ҳам кўпчиликка хизмат қилиш билан бир вақтда хўжалигимизга қўшимча даромад келтиради.

Менинг фикримча, фермер хўжаликларини ривожлантириш халқимизни бойитиш йўлида қилинаётган энг мақбул иш бўлаяпти. Фақат қишлоқ хўжалиги соҳасида илмга эга бўлган, одамлар кўнглига йўл топа оладиган кишилар бу ишга бош-қош бўлсалар, ана шу хўжалик олиб бораётган ишлар тўкинчилик омили бўлиб хизмат қилади..

Баҳром ЙЎЛДОШЕВ,
Бўка туманидаги «Аср» фермер хўжалигининг раиси

TV дастури

23-29 феврал

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
8.00-8.45 "Таҳлилнома".
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 "Жиловланмаган Африка". Ҳужжатли телесериал.
9.40 "Таълим ва тараққиёт".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
11.30 "Туркистон" камер оркестрининг концерти.
11.45 "Нурли манзиллар".
12.05 "Фантадром". Мультфильм.
12.35, 14.50 ТВ-анонс.
12.40 "Кўрсатувдан-кўрсатувгача".
13.00 "Шов-шув". Телесериал.
13.50 ТВ-клип.
14.10 "Иқтидор". Телеўйин.
14.55 Кундузги сеанс: "Кўк қуш". Бадиий фильм.
16.30 Мусиқий танаффус.
16.40 "Қалб гавҳари".
17.00 1. "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал. 2. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
18.10 "Истеъдод".
18.30 "Мулкдор"
18.45 "Куч - билим ва тафаккурда".
19.00 "Бахтли воқеа". Телелотерея.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. "Ҳиммат".
21.25 ТВ-клип.
21.35 "Умидбахш кун". Видеофильм.
22.20 "Амадеус". Бадиий фильм. 1-қисм.
23.30 "Ахборот-дайжест".
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.00 Кўрсатувлар дастури
16.05 Жаҳон жуғрофияси
16.55 "Янги авлод" почтаси, Болалар шеърияти
17.20 ТВ-анонс
17.25 "Сув ости тадқиқотлари". Ҳужжатли сериал
18.15 Дунёга машҳур "Машҳура"
18.35 Тафаккур ёлқинлари.
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 "Давр" - репортаж
19.45 ТВ-анонс
19.50 Илдиз ва япроқ.
20.10 Мусиқий лаҳза
20.15 Ёшлар овози
20.35 ТВ-адвокат
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.45 "Гваделупе" Телесериал
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол
0.25-0.30 Хайрли тун

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 21.55, 22.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
20.20 Ойбек. «Навоий». Видеофильм. 15-қисм.
20.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Кошона».
21.30 «Avto-news».
22.15 «Хусусийлаштириш: қадам бақадам».
22.55 Кинонигоҳ. «Борже узуги». 1-қисм.
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

Томошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 23 феврал куни «SPORT» телеканали ўз кўрсатувларини 16.55 дан бошлайди.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Болалар спорти».
17.15 «Олимп сари йўл».
17.30 «Хабарлар».
17.45 Футбол. Федерация кубоги.
18.35 «Спорт-антракт».
18.40 Е. Петросян намойиш этади: «Қийшиқ кўзгу».
21.00 «Время».
21.20 «Эртага футбол». Футбол шарҳи.
21.30 «Хабарлар».
21.45 Таэквандо бўйича Ўзбекистон биринчилиги.
22.05 Жаҳон спорти: «Профф-РИНГ».
23.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Жиловланмаган Африка". Ҳужжатли телесериал.
9.50 Мусиқий танаффус.
10.00, 12.00 ,14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 "Мулкдор".
10.20 "Аловуддиннинг сеҳрли шамчироғи".Бадиий фильм.
11.40 "Қуёшли юрт оҳанглари".
12.05 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили ."Ҳиммат".
12.25 "Саргузаштлар ороли". Телешоу.
12.55 "Бизнес ҳафта".
13.10 "Филипп Марлоу". Телесериал.
13.55, 15.55 ТВ-анонс.
14.10 "Муносабат".
14.40 Кундузги сеанс: "Имконият". Бадиий фильм.
16.00 "Яхшилик".
16.30 "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал.
16.55 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 "Остонаси тиллодан".
18.30 Бир жуфт қўшиқ.
18.40 "Тафсилот".
18.55 "ТВ Бинго миллионер". Телелотерея.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.30 "Ахборот".
21.05 "Истеъмолчи".
21.25 Ўзбекистон халқ ҳофизлари.
21.50 "Диёримизнинг гўзал масканлари ".
22.10 "Амадеус". Бадиий фильм. 2-қисм.
23.25 "Ахборот-дайжест".
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 "Мунаввар тонг". Информацион дам олиш дастури
9.00 Давр
9.15 ТВ-анонс
9.20 "Янги авлод" студияси: Дунё ва болалар
9.40 Томорқа
9.50 Кинотақдим
10.10 Тонгги сериал: "Рамаяна"
10.45 "Давр" - интервью
11.00 Одил сўз
11.20 "Гваделупе" Телесериал
12.00 Ёшлар овози
12.20 "Ўзбектелефильм" студияси намойиши: "Портрет"
12.30 Саломатлик сирлари
12.50 Мусиқий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Дийдор
13.35 "Учинчи сайёра" маърифий дастури
14.25 Болалар учун мультсериал: "Қиролликдаги саргузаштлар"
14.50 "Сув ости тадқиқотлари". Ҳужжатли сериал
15.40 Газал соғинчи
16.00 "Жадвалдан ташқари поезд"Бадиий фильм
17.15 ТВ-анонс
17.20 Кўрсатувлар дастури
17.25 "Янги авлод" студияси: Оқ кабутар
17.45 Кичкинтой театри. "Сув ҳам тугайдими?"
18.00 Ёшлар овози
18.20 Ракурс.
18.40 Каталог
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 ТВ-анонс
19.40 Автопатрул
20.00 Спорт-лотто
20.10 Мусиқий лаҳзалар
20.20 Очил дастурхон
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.45 "Гваделупе" Телесериал
21.30 Бир ўлкаки
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Ринг қироллари
23.35 "Йўлбарслар ҳақида ҳақиқат". Ҳужжатли фильм
0.25 – 0.30 Хайрли тун

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 21.10 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Мусиқий меҳмонхона.
18.30, 20.00, 21.40, 22.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
20.20 Ойбек. «Навоий». Видеофильм. 17-қисм.
20.50 «Долзарб мавзу».
21.20 «Аёл қалби».
22.00 «Танбур». Телевизион фильм.
22.20 «Ҳимоя».
23.00 Кинонигох: «Борже узуги». 3-қисм.
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
9.00 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
9.30 «Хабарлар».
9.45 «Болалар спорти».
10.00- 10.50 «Кучли бешлик».
16.50 Кўрсатувлар тартиби.
16.55 Футбол. Осиё чемпионлари лигаси. «Пахтакор» (Тошкент) – «Катар СК» (Катар) Танафусда «Хабарлар».
18.50 «Спорт – антракт».
19.00 «Клон». Сериал.
19.50 Премьера. «Чегара». Сериал.
21.00 «Время».
21.35 «Хабарлар».
21.50 Профессионал бокс тарихидан.
22.20 Футбол. Европа чемпионлар лигаси.
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ-маркет
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 1. "Қизиқарли учрашувлар". 2. "Сеҳрли ҳарфлар оролчаси".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 "Уч плюс икки". Бадиий фильм.
11.50, 13.55 ТВ-клип.
12.05 "Қалқон".
12.25 "Рақснинг сеҳрли олами".
12.45 ТВ-анонс.
12.50 "Ҳаракатда баракат".
13.10 "Филипп Марлоу". Телесериал.
14.10 "Журналист таҳлили".
14.30 Кундузги сеанс: "Менинг сўнгги тангоим". Бадиий фильм.
16.05 "Парле ву франсе".
16.25 "Дунё бўйлаб".
16.45 1. "Болалар ва катталар". 2. "Цирк, цирк, цирк".
17.45 "Харита". Халқаро шарҳ.
18.10 "Олам ва одам".
18.30 ТВ-клип.
18.40 "Сиҳат-саломатлик".
19.00 "Масъул сўз".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Оқшом эртаклари".
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.30 "Ахборот".
21.05 Телемулоқот.
21.50 ТВ-клип.
22.00 "Олимп сари йўл". Спорт дастури.
22.15 "Ўзбекистон" телеканалида илк маротаба: 23.30 "Ахборот-дайжест". 23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 "Мунаввар тонг". Информацион дам олиш дастури
9.00 Давр
9.15 ТВ-анонс
9.20 "Янги авлод" студияси: Оқ кабутар
9.40 Мультомоша
9.55 Тонгги сериал: "Рамаяна"
10.30 Ракурс
10.50 "Ўзбектелефильм" студияси намойиши : "Мингбулоқ мамлакати"
11.00 Бир ўлкаки
11.20 "Гваделупе" Телесериал
12.00 Ёшлар овози
12.20 "Учинчи сайёра" маърифий дастури
12.50 Мусиқий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 Чемпион сирлари (рус тилида)
13.35 Спорт - қитъаси (рус тилида)
14.00 Менинг шаҳрим (рус тилида)
14.55 Болалар учун мультсериал: "Қиролликдаги саргузаштлар"
15.20 Автопатрул
15.40 "Робин Гуд "Бадиий фильм 1-қисм
16.45 Кўрсатувлар дастури
16.50 "Янги авлод" студияси: Шум болалар
17.05 Янги алифбони ўрганамиз
17.20 2004- меҳр ва мурувват йили. Фарзандим - жигарбандим.
18.05 Қўли гул уста
18.25 Табобат оламида
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 "Давр" - интервью
19.50 "Ўзбектелефильм" студияси намойиши : "Кулол"
20.00 Ўзимизники
20.10 Мусиқий лаҳза
20.15 Ёшлар овози
20.35 ТВ-адвокат
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.45 "Гваделупе" Телесериал
21.30 Мезон
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол
0.25-0.30 Хайрли тун

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 21.10, 22.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
20.20 Ойбек. «Навоий». Видеофильм. 18-қисм.
20.50 «Бурч ва масъулият».
21.40 «Эл хизматида».
22.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Водил», «Гули», «Ҳисор қўриқхонаси».
22.55 Кинонигох: «Борже узуги». 4-қисм. /якунловчи/.
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
9.00 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
9.30 «Хабарлар».
9.45 – 10.15 «Нокаут».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
17.30 «Хабарлар».
17.45 «Болалар спорти».
18.00 «Кучли бешлик».
18.50 «Клон». Сериал.
19.50 Премьера. «Чегара». Сериал.
21.00 «Время».
21.35 «Хабарлар».
21.50 «Майдон ортидаги одам».
22.05 Футбол. Европа чемпионлар лигаси.
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 27

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 -8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 1. "Болалар ва катталар". 2. "Цирк, цирк, цирк".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 "Ёзилмаган мактуб". Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрининг спектакли.
11.35 "Ўзлигинг намоён қил". Экранда - Сирдарё вилояти.
11.55, 13.55 ТВ-анонс.
12.05 "Масъул сўз".
12.30 "Соз сеҳри".
12.50 "Эл саломатлиги йўлида".
13.10 "Филипп Марлоу". Телесериал.
14.10 Телемулоқот.
14.55 Мақом дунёси.
15.25 "Тарих кўзгуси".
15.45 "Асқия".
16.00 1. "Ёш юлдузлар". 2. "Ўйла, Изла, Топ!". Телемусобақа.
17.00 "Қувноқлар ва зукколар". Телемусобақа.
18.10 "Тиббиёт одимлари".
18.25 Ўзбекистон халқ артисти А.Шукуров куйлайди.
18.45 "Тафсилот".
19.05 "Зиё" студияси намойиш этади: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Дастурхон атрофида".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Муносабат".
21.35 "ЎзДЭУавто Сиз учун".
21.50 "Олтин бешик". Телетомоша.
22.25 "Дунёнинг энг гўзал аёли". Бадиий фильм.
23.55 "Ахборот-дайжест".
00.15-00.20. Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 "Мунаввар тонг". Информацион дам олиш дастури
9.00 Давр
9.15 ТВ-анонс
9.20 "Янги авлод" студияси: Шум болалар
9.35 1001 маслаҳат
9.55 Тонгги сериал: "Рамаяна"
10.30 "Давр" - интервью
10.45 "Ўзбектелефильм" студияси намойиши "Кулол"
10.55 Мезон
11.15 ТВ-адвокат
11.20 "Гваделупе" Телесериал
12.00 Ёшлар овози
12.20 Болалар экрани: "Балиқчи ва олтин балиқ ҳақида эртак"
12.50 Мусиқий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 Сув – ҳаёт манбаи
13.15 2004-меҳр ва мурувват йили. Фарзандим – жигарбандим
14.05 "Сув ости тадқиқотлари". Ҳужжатли сериал
14.55 Қўли гул уста
15.15 Болалар учун мультсериал: "Қиролликдаги саргузаштлар"
15.40 Ўзимизники
15.50 "Робин Гуд" Бадиий фильм 2-қисм
17.00 ТВ-анонс
17.05 Кўрсатувлар дастури
17. 10 "Янги авлод" студияси: Соғлом авлод
17.30 Ҳар соҳага саёҳат
17.50 Томир.
18.10 Ёшлар ва ҳуқуқ
18.30 Аскар мактублари
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 ТВ-анонс
19.40 Азизим.
20.05 Мусиқий лаҳзалар
20.10 Давр. Миллий хавфсизлик
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.45 "Гваделупе" Телесериал
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 "Надомат белгилари" Бадиий фильм
0.10-0.15 Хайрли тун

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Хайрли оқшом».
18.30, 20.00, 21.10, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
20.20 Ойбек. «Навоий». Видеофильм. 19-қисм.
20.50 «Навбатчи қисм».
22.00 Кинонигоҳ. «Тепаликдаги уй».
23.20-23.25 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
9.00 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
9.30 «Хабарлар».
9.45 «Болалар спорти».
10.00 «Белида белбоғи борлар».
10.20-10.40 «Федерация фаолияти».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
17.30 «Хабарлар».
17.45 «3-тайм».
18.05 «Кураш сабоқлари».
18.15 «Спорт – антракт».
18.20 Ҳужжатли фильм.
19.00 «Кучли бешлик».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.45 «Футбол плюс».
22.15 Дзюдо. Ўзбекистон биринчилиги.
22.45 Футбол. УЕФА кубоги.
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 28

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 1."Ёш юлдузлар". 2."Ўйла, Изла, Топ!". Телемусобақа.
10.00 "Зиё" студияси намойиш этади: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
10.20 "Мусиқа дунёси".
10.40 "Бу турфа олам".
11.30 "Тафсилот".
11.50 "Олимп сари йўл". Спорт дастури.
12.05 "Бахтиёр шаҳзода". Мультфильм.
12.20 "Олтин бешик". Телетомоша.
12.55 "ЎзДЭУавто Сиз учун".
13.10 "Бир кошона сирлари". Ўзбек миллий академик драма театри спектаклининг премьераси.
14.55 ТВ-клип.
15.05 "Дўстлик" студияси: 1. "Ўзбекистон - умумий уйимиз". 2. "Умид". 3. "Истоки".
16.05 ТВ-анонс.
16.10 "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал.
16.35 "Изҳор".
16.50 "Саргузаштлар ороли". Телешоу.
17.20 "Ҳангома".
17.35 "Қалб гавҳари".
17.55 "Қишлоқ ҳаёти".
18.15 "Рангин дунё".
18.35 "Интеллектуал ринг". Телеўйин.
19.15 "Ўзлотто". Телелотерея.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.30 "Ахборот".
21.05 "Қизлар давраси". 1-қисм.
22.05 "КиноТеатр".
22.30 "Ўзбекистон" телеканалида илк маротаба: "Форрестерни излаб".Бадиий фильм. 1-қисм.
23.35 "Ахборот-дайжест".
23.55 "Форрестерни излаб". Бадиий фильм. 2-қисм.
01.00-01.05 Ватан тимсоллари

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 "Мунаввар тонг". Информацион дам олиш дастури
9.00 Давр
9.15 ТВ-анонс
9.20 "Янги авлод" студияси: Соғлом авлод
9.40 Томорқа
9.50 Табобат оламида
10.15 Томир
10.35 "Гваделупе" Телесериал
11.15 Кутилмаган меҳмон
11.40 Бола тилидан
12.10 Давр. Миллий хавфсизлик
12.40 "Асрга тенгдош хотиралар" . Бадиий фильм 2-қисм
13.25 Мусиқий лаҳзалар
13.40 Интерфутбол
15.20 Қишлоқдаги тенгдошим
15.40 "Маймунлар қироли". Бадиий фильм 1-қисм
17.00 Ёшлар ва ҳуқуқ
17.20 ТВ-анонс
17.25 Кўрсатувлар дастури
17.30 "Янги авлод" студияси: Бўш ўтирма
17.55 "Ғаройиб саёҳат". Мультфильм
18.05 Дунё ажойиботлари
18.15 Мутойиба
18.40 Каталог
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 "Давр" - репортаж
19.45 ТВ-анонс
19.50 "Эрамиздан аввалги дунё". Илмий - оммабоп фильм 4-қисм
20.15 Мусиқий лаҳза
20.20, 21.10, 22.35 Эълонлар
20.25 "Асрга тенгдош хотиралар". Бадиий фильм. 3-қисм
21.15 Оҳанрабо
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 "Омонат қасам". Бадиий фильм
0.10-0.15 Хайрли тун

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани.
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Мультчархпалак».
18.15 «Хусусийлаштириш: қадам бақадам».
18.35, 21.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.45 «Экран зийнати ва қиймати».
19.15 «Афиша».
19.35 «Мисли гавҳар».
19.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.20 Ойбек. «Навоий». Видеофильм. 20-қисм. /якунловчи/.
21.10 «Жаҳон географияси».
21.40 «Бахтли бўлинг».
22.25 «Нима учун».
22.55 Кинонигоҳ. «Жинжер ва Фред». 1-қисм.
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
9.00 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
9.30 «Хабарлар».
9.45 «Болалар спорти».
10.10 «Лаззат».
10.30 «Уйга қайтиш». В. Золотухин. Олтой.
11.10 Дзюдо. Ўзбекистон биринчилиги.
11.40 «SPORT TV»да кино: «Худди Майк каби». Бадиий фильм.
13.10 «Спорт – клуб».
13.20 «Ақллилар».
14.00 Дисней клуб: «Тимон ва Пумба».
14.20-15.30 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
17.30 «Хабарлар».
17.45 «Кун мавзуси».
18.05 «Спорт -антракт».
18.10 С. Сталлоне ва О. Мути «Оскар» комедиясида.
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
21.00 «Время».
21.25 «Хабарлар».
21.40 Афсонавий чемпионлар: Бокс.
22.10 ФИФА.
23.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 29

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.50 "Кўҳна замин оҳанглари".
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Она меҳри".
11.20 "Бу турфа олам".
12.10 "Лаззат сеҳри".
12.40 "Интеллектуал ринг". Телеўйин.
13.20 "Девона". Бадиий фильм. 1-қисм.
14.40 "Қорақалпоқнома".
15.00 "Девона". Бадиий фильм. 2-қисм.
16.15 "Дўстлик" студияси: 1. Рангинкамон. 2. "Дидар". 3. "Айчурэк". 4. "Гардашлўг дунёсинда".
17.35 "Портретга чизгилар".
17.55 "Олтин тож".
18.25 "Қўшиғимиз Сизга армуғон".
18.40 "Оқ ва қора". Телеўйин.
19.10 "Бизнес ҳафта".
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида).
20.05 "Кўрсатувдан-кўрсатувгача".
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. "Яхшилик".
21.40 "Қизлар давраси". 2-қисм.
22.40 ТВ-клип.
22.50 "Ўзбекистон" телеканалида илк маротаба "Вақт машинаси". Бадиий фильм.
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 "Мунаввар тонг". Информацион дам олиш дастури
9.00 ТВ-анонс
9.05 "Давр"- репортаж
9.15 "Янги авлод" студияси: Бўш ўтирма
9.40 "Ғаройиб орол", "Товус" Мультфильмлар
10.00 Очил дастурхон
10.20 Оҳанрабо
11.00 ТВ-анонс
11.05 Аскар мактублари
11.25 "Қилни қирқ ёриб...". Интеллектуал ўйин
12.15 Мусиқий лаҳзалар
12.25 "Асрга тенгдош хотиралар". Бадиий фильм 3-қисм
13.10 Азизим.
13.35 Ринг қироллари
14.25 Дунё ажойиботлари
14.35 Жаҳон цирки
15.25 Ёшлар овози
15.45 "Маймунлар қироли". Бадиий фильм 2-қисм
17.15 Очун
17.35 Кўрсатувлар дастури
17.40 "Янги авлод" студияси: Катта танаффус, Гулғунчалар
18.10 Спорт ҳафтаномаси
18.25 "Эрамиздан аввалги дунё". Илмий - оммабоп фильм 5-қисм
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 "Давр" - news
19.20 Ҳандалак
19.50, 20.40, 22.30 Эълонлар
19.55 "Асрга тенгдош хотиралар". Бадиий фильм 4-қисм
20.45 Сув - ҳаёт манбаи
20.50 "Заковат" интеллектуал ўйини
21.50 Олтин мерос
22.00 "Давр" ҳафта ичида
22.35 ТВ-анонс
22.40 "Шамолларни жиловлаб". Бадиий фильм
0.05-0.10 Хайрли тун

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани.
17.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
17.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.35, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
19.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.15 «Шунақа гаплар». Хажвий кўрсатув.
20.30 «Жаҳон географияси».
21.00 «Тв плюс».
21.40 Кинонигоҳ. «Жинжер ва Фред». 2-қисм.
22.40-22.45 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
9.00 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
9.30 «Хабарлар».
9.45 «Рақибингиз гроссмейстер».
10.00 «Соғлом овқатланиш сирлари».
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.00 «Қувноқ стартлар».
11.30 Дзюдо. Ўзбекистон биринчилиги.
12.00 «Спорт – антракт».
12.10 «Қорли кун». Кинокомедия.
14.00 Дисней клуб: «Микки Маус ва унинг дўстлари».
14.30 «Чемпион бўлиб туғилмайди».
14.50-15.20 Мини футбол. Ўзбекистон чемпионати.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
17.30 «Хабарлар».
17.45 Жаҳон спорти: «Теннис».
18.45 «Халқ ўйинлари».
19.00 «Кулгу одамлар». Л. Измайловнинг дастурида.
21.00 «Время».
21.45 «Хабарлар».
22.00 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.35 «Жаҳон спорти турлари».
23.50 Бокс. Жаҳоннинг энг кучли профессионал боксчилари. Эдгар Карденас – Дэниел Рейес.
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»



Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази айни пайтда ўсиб келаётган ёш авлодни мамлакатимиз ҳаёти ва тарихий жойлари билан таништиришдек эзгу ишни бажармоқда. Шу мақсадда ўтган йили мазкур марказга 8 минг 372 нафар ўқувчи жалб қилинганди.

Суратларда: марказ фаолиятидан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар

Ўзбекистон Давлат консерваториясида пойтахтимиздаги Гёте институти билан ҳамкорликда ташкил этилган замонавий немис мусикаси концерти бўлиб ўтди.

ЗАМОНАВИЙ НЕМИС МУСИҚАСИ

Концертда замонавий немис мусиқасининг икки ёрқин вакили - Барбара Моргенштерн ва Максимилиан Хеккер ўз санъатини намойиш этди. Улар концерт дастури билан дунёнинг ўттиз мамлакатида бўлишни режалаштирган. Артистлар биринчи концертини ўтган йилнинг 15 октябрида Берлинда беришганди.

Германиялик мусиқачиларнинг ҳар бири ўз ижро услубига эга бўлиб, Нью-Йорк, Сидней ва Пекинда мухлислар олқишларига сазовор бўлишган.

Мусиқачилар ўз чиқишларида немис мусиқа санъатининг энг сўнгги ютуқларини намойиш эта олдилар.

(ЎзА)

Эй кўнгул, ўртанма кўп, сарви хиромонинг келур,
Васлидин шод этгали гулбарги хандонинг келур.

Шоми фурқат ичра бўлган кўзларингни тийрасин
Қилғали равшан бу тун хуршиди рахшонинг келур.

Тўкмағил ҳажр ичра йиғлаб кўздин ашки лолагун,
Ким тараҳҳум айлаб, ул ёри нигаҳбонинг келур.

Лутф бирла заҳри ҳижронидин ўлган жисмингга,
Тозадин жон берғали Исои давронинг келур.

Бодаи васли била бу кеча сармаст эткали
Хуш такаллум, гулбадан шўхи сухандонинг келур.

Гул юзи бирла машомингни муаттар қилғали
Сарв қомат, маҳ жабин, себи занахдонинг келур.

Бўлма ғамгин, Мутрибо, гар етса ишқ ичра ситам,
Ҳолинга раҳм этгали ёри қадрдонинг келур.

Истеъдодли шоир ва моҳир бастакор Мутрибнинг асл исми Муҳаммад - Ҳасан бўлиб, ўзига ушбу тахаллусни танлаган. Ундан шеърлар девони мерос қолган бўлишига қарамай, айрим тўплам ва мажмуаларда эълон қилинганини ҳисобга олмаганда алоҳида китоб ҳолида нашр этилмаган. Шеърларида исёнкор руҳ кучли бўлганидан Хива хони чоп этиш баҳонасида уларни йиғиштириб олиб, катта қисмини йўқотиб юборади.

Мутрибнинг исёнкор ва ҳассос ғазаллари ҳамиша илму адаб аҳлининг эътиборини тортиб келган. Шоирнинг етук иқтидори, юксак бадиий маҳоратидан дарак берувчи ушбу ғазал ҳам унинг шеърият бўстонидан узилган бир гулдир. Ғазал айрилиқ азобларида ўртанган ошиқ кўнгилни висол муждаси билан шодлантириш тасвирига бағишланган.

Эй кўнгул, ўртанма кўп, сарви хиромонинг келур,
Васлидин шод этгали гулбарги хандонинг келур.

Сарв - қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли гўзал ва хушқомат дарахт. Мумтоз адабиётда маъшуқанинг келишган зебо қадди-қоматини унга нисбат берадилар. Лекин сарв қадли маъшуқанинг бир устунлиги бор: сарв дарахти ўрнидан қўзғалмаса, муқим бўлса, у эса юради, хиром айлайди. Шунинг учун ҳам уни сарви хиромон деб улуғлайдилар. Гулбарги хандон - янги очилган гулнинг барги, мажозан: маъшуқа.

Шоми фурқат ичра бўлган кўзларингнинг тийрасин
Қилғали равшан бу тун хуршиди рахшонинг келур.

Маълумки, бир нафас қоронғида ўтирсангиз, кўзингизнинг пардаси хира тортади. Кейин ёруғликка чиққанда кўзларингиз қамашиб, бир лаҳза ҳеч нарсани кўрмай, довдираб қоласиз. Энди тасаввур қилингки, йиллар давомида ҳижрон зулматида қолган ошиқнинг кўзлари не ҳолга тушади? У салкам кўр бўлиб қолади. Унга қайта нур бағишлаш учун порлоқ қуёш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам шоир айтадики: «Айрилиқ тунларида хира тортган кўзларингни қайта равшан қилиш учун бу кеча кулбангга порлоқ қуёшинг келади».

Тўкмағил ҳажр ичра йиғлаб кўздин ашки лолагун,
Ким тараҳҳум айлаб, ул ёри нигаҳбонинг келур.

Бу ерда ашк- кўз ёши, лолагун - лоларанг, қизилранг, тараҳҳум қилмоқ - раҳм қилмоқ, нигаҳбон – посбон, назорат қилувчи, қараб турувчи. Демак, «Энди айрилиқ дастидан йиғлаб, кўзингдан қонли ёшлар тўкишни бас қил, чунки ниҳоят раҳм айлаб, ҳолингдан доим бохабар бўлиб турувчи ёринг келади».

Бир ғазал шарҳи

ҚИЛҒАЛИ РАВШАН БУ ТУН ХУРШИДИ РАХШОНИНГ КЕЛУР...

Албатта, кўз ёши тўкишнинг ҳам кўзга фойдаси бор, дейдилар: у кўзни ювади, ғуборлардан тозалайди. Лекин тинимсиз йиғлайверсанг, ёшларинг аввал зардобга, кейин қонга айланади. Қоннинг эса кўзга зарари бор: у кўзни хира торттиради, ҳатто кўр қилиб қўйиши ҳам мумкин. «Ҳеч бўлмаса, ёрингнинг келиши хабарини эшитганда йиғингни тўхтат, – дейди ошиқ ўз-ўзига мурожаат қилиб, – токи кўзинг бир қадар тин олиб, равшан тортсин. Ахир, ёринг келсаю қонли ёшлар қорачиғингни тўсиб, унинг юзини кўролмай қолсанг ёрингнинг келганидан нима фойда?!

Лутф бирла заҳри ҳижронидин ўлгай жисмингга
Тозадин жон берғали Исои давронинг келур.

Исо алайҳиссаломнинг қўли теккан ўликка жон кирар эмиш. Шунинг учун у зотга ал-Масиҳ – силовчи лақаби берилган. Мумтоз адабиётда Исо алайҳиссалом нафаси билан ўликни тирилтирувчи пайғамбар сифатида талқин қилинади. Айни пайтда,ғамга ботган, тушкунликка тушган ошиққа бир нигоҳи, сўзи, ваъдаси билан умид бағишловчи маъшуқа ҳам шу сифати билан таъриф-тавсиф этилади.

Бодаи васли била бу кеча сармаст этгали
Хуш такаллум, гулбадан шўхи сухандонинг келур.

Такаллум – гапириш, сўзлаш, гулбадан – жуссаси, қомати гулга ўхшаш, гулдай сухандон – сўзнинг қадрига етувчи, сўзга чечан, фасоҳат ва балоғат соҳиби. Бундай гўзал маъшуқанинг ёқимли сўзидан дилинг яйраса, дилбар жамолини кўриб, кўзинг маст бўлади, дилкаш суҳбатидан бутун вужудинг роҳат қилади. Висоли майи билан бу кеча ёринг сени маст қилади, деганда шоир айни шу – ошиқ жисму жонининг беқиёс фароғатга чўлғанишини назарда тутган.

Гул юзи бирла машомингни муаттар қилғали
Сарв қомат, маҳ жабин, себи занахдонинг келур.

Бу байтда бир қатор тушунарсиз сўзлар бор: машом – димоғ, муаттар – хушбўй, атр таратувчи, маҳ жабин – ой юзли, себизанахдон – маъшуқанинг олмага ўхшаш бағбақаси. Демак: «Гул юзи билан сенинг димоғингни хушбўй қилиш мақсадида ой юзли, қомати зебо, бағбақаси олмадай гўзал ёринг келади».

Бўлма ғамгин, Мутрибо, гар етса ишқ ичра ситам,
Ҳолинга раҳм этгали ёри қадрдонинг келур.

« Эй Мутриб, ишқ ичра сенга ситам етгудай бўлса, ғамга ботиб, тушкунликка тушма. Чунки аҳволингга раҳм қилиб, қадрдон ёринг келиши шубҳасиз».

Дарҳақиқат, ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Қора туннинг ортидан оппоқ тонг келади. Бинобарин, ҳар қандай мушкул ҳолатда ҳам тушкунликка тушмаслик, дилдаги умид учқунини сўндирмаслик лозим. Шундай қилинса, у қалбга қувват, руҳга куч беради, киши бардам ва тетик ҳолда мақсад манзилига етиб боради. Тушкунликка тушиб, умидсизликка берилса-чи? Бунда одамдаги кураш иштиёқи сўнади ва у мақсадга қўл силтаб, ярим йўлда қолади. Шоирнинг ўзини ҳамиша ёруғ бир умид билан яшашга даъват этишининг сири ҳам шунда. Зеро, умид кишига қанот бағишлайди.

Маълум бўладики, Мутриб устозлари анъанасини давом эттириб, ўзидан шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий мукаммал шеърлар мерос қолдирган: улар ҳамиша, ҳамма даврда ҳам ўз ўқувчисини топиши ва шеърсевар халқимиз томонидан севиб ўқилиши шубҳасиз.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Ҳали сурати кўз ўнгимиздан ўчиб улгурмаган Узоқ Шарқ майдонларида ўтказилган Жаҳон чемпионатига бориш учун жуда яқин турган Ўзбекистон терма жамоасининг ўша кезлардаги бош мураббийи В.Сальков муваффақиятсизлик сабабларини таҳлил қилар экан, журналистларнинг «Командага руҳшунос керак эмасми?» деган саволига жавобан, «Ўзим ҳар қандай руҳшуносдан зўрман» деб катта кетган ва лекин охир оқибат узр сўраб жўнаб қолишга мажбур бўлган эди.

Футбол

ЎЗБЕКИСТОН-ИРОҚ:

ҲИСОБ – 1:1

мухлислар эса бошқача натижани кутишганди

Зукко муштарийларимиз биз нега гапни узоқдан бошлаганимизни пайқаган бўлсалар керак, албатта. Чоршанба куни «Пахтакор» ўйинги-ҳида Ўзбекистон ва Ироқ терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтган учрашув беихтиёр ўтмишни ёдга солиб юборди. 2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионатига Осиё қитъаси учун ажратилган йўлланмалардан бирига эгалик қилиш орзусида майдонга тушган футболчиларимиз, очиғини айтишимиз лозим, мухлислар ишончини оқлай олишмади. Улар ижросида кўзни қувнатадиган деярли ҳеч нарса кўрмадик.

Яхшиямки, рақибларимиз бир неча қулай вазиятларни кўкка совуришгани ва бахтимизга М.Қосимовнинг борлиги. Иккинчи бўлимнинг ўрталарида заҳирадан майдонга туширилган Миржалол унга қадар чок-чокидан сўкилиб кетган жамоани ўз ортидан эргаштиролмаганида, ким билади, ўйин қандай натижа билан тугарди?

Шундай қилиб, футболчиларимизнинг ҳужумкорлиги-ю ва бунинг натижаси ўлароқ голлар ёмғирини кўриб завқланиш учун стадионга ташриф буюрган ишқибозлар дақиқалар ўтган сайин ҳовурдан тушиб, андак хавотир билан ўйинни кузатишга мажбур бўлдилар. Шу куни чиндан-да йигитларимизнинг ўйини қовушмади. Оддий вазиятларда кетма-кет хатоларга йўл қўйилди. Айниқса, билагига сардорлик боғичини боғлаб тушган Ширшов ҳаяжонини босолмади. Акопянцнинг ўйинни жонлантиришга бўлган уринишлари ҳам кутилган натижани бермади.

Иккинчи бўлимда Аҳмад Алвон дарвозамизга тўп йўллагандан сўнггина мураббийларимиз огоҳлик қўнғироғини эшитгандек бўлдилар. Бирин-сирин ўйинчи алмаштиришлар бошланди. Қосимов ва Солиевнинг майдонда пайдо

бўлиши ўйинга қандайдир мазмун бахш этди. Ва ниҳоят, Ироқ жарима майдончаси яқинида қўполлик юз бергач, тенглик вазияти юзага келиши учун имконият яратилди. Қосимов ва Солиев комбинацияси Анварнинг бош билан тўпни Нур Аббос дарвозасини чиройли ишғол қилиши билан поёнига етди. Ҳисоб – 1:1.

Муваффақиятдан руҳланган жамоамиз ҳужумни янада кучайтирди. Ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларда ҳатто ғалабага эришиш учун қулай вазият юзага келди. Афсуски, кўкларга кўтариб мақталган легионеримиз Максим Шацких ўз зиммасига юклатилган вазифани уддалай олмади.

Дуранг, шубҳасиз, футбол мутасаддиларимиз ва табиийки, мухлисларимиз режалаштирган натижа эмас. Биз футболчиларимиздан фақат ғалаба кутган ва қайсидир маънода унга ҳақли ҳам эдик. Лекин бундай бўлмади. Нега? Мавсум ҳали бошланмаганлиги энди важ ўрнига ўтмайди. Чунки майдонда аллақандай ҳаваскорлар эмас, профессионаллар тўп сурганини ҳеч ким инкор этолмайди. Бу, демакки, ҳар қандай шароитда, исталган фаслда маҳорат кўрсатишга тайёр туриш керак. Лекин биз буни кўрмадик.

Футболдаги фаолияти нуқтаи-назаридан олиб қаралганда анча «кексайиб» қолган Қосимов мисолида айтишимиз мумкинки, ҳаммаси ўйнайман деб майдонга тушган касб соҳибининг ўзига боғлиқ. Ишончимиз комилки, Киевнинг «Динамо» таркибида Максим Шацких кеча бизга намойиш этгандан кўра бир неча баравар яхшироқ ва энг асосийси, тиришиброқ ўйнаган бўлар эди. Бу фикрни яна бир талай легионерларимизга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, беихтиёр бир фикр туғилади. Мамлакат миллий терма жамоаси учрашувларига унчалик хоҳламай, оғриниш билан келадиган «машҳур»лардан воз кечиш, маҳаллий жамоаларимизда жон-жаҳди билан елиб-югураётган иқтидорли ва энг муҳими, фидойи футболчиларни жалб этиш афзал эмасми? Қачонгача Маминов ва Пашинин келмас экан, Шацкиҳнинг таширифи ҳам ҳали даргумон, деб ўтирамиз?! Эҳтимол, ишонч билдирилса, ўз ичимизда улардан-да жамоага кўпроқ фойдаси тегадиган футболчилар топилиб қолар...

Сўзимиз муқаддимасида бежизга руҳшунос ҳақида гапириб ўтмадик. Ростдан ҳам жамоага тажрибали психолог керакдир. Лекин, назаримизда энг таъсирчан руҳшунос бу, майдонга тушган футболчининг эътиқодидир. Ўзини ҳурмат қилган одам ҳеч қачон атрофдагиларнинг умидли боқишларига бефарқ бўлмайди. Клубларда эҳтиёлки маблағ биринчи ўринда бўлар, лекин миллий терма жамоада муҳими ор-номус, элга садоқат, ватанга муҳаббат туйғулари олдинги ўринга чиқиши даркор.

Шунга эришилсагина, кўзланган мақсадга олиб борувчи йўл ойдин бўлиши мумкин. Мураббийларимиз футбол билан бевосита боғлиқ тактика ва стратегия бошқотирмаларини ечиш жараёнида зикр этганимиз фикрларни ҳам мушоҳада қилиб кўрсалар фойдадан ҳоли бўлмасди.

З.РИХСИЕВ

«Янгиобод ихтисослашган бозори» очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига:

2003 йил якунлари бўйича жамият акциядорларининг навбатдаги умумий мажлиси 2004 йил 18 март соат 11-00 да жамият маъмурият биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади

Акциядорларни рўйхатга олиш шу куни соат 10-00да бошланади.

Акциядорларни рўйхати 2004 йил 7 феврал ҳолатига тузилган.

Мажлис кун тартиби

1. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқарув раиси (директори)ни ҳисоботи.
2. Жамият бошқаруви раиси (директори)нинг меҳнат шартномаси муддатини тўхтатиш ёки узайтириш масаласи.
3. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2003 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш.
6. Жамиятнинг 2003 йил молиявий хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2003 йил молиявий хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидентлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2004 йилги иш режа (бизнес план)ни тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2004 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
11. Жамият низомига ўзгартириш киритиш ҳақида.

Актив		Пассив	
Асосий воситалар	169248	устав капитали	20000
Капитал қўйилмалар	1656	резерв капитал	53635
Ишлаб чиқариш заҳиралари	6246	тақсимланмаган фойда	8200
Товарлар	21263	мақсадли тушумлар ва фойдалар	28445
Пул маблағи	5295	қисқа муддатли қарзлар	—
Дебиторлар	—	кредиторлар	93428
Жами	**203708**	**Жами**	**203708**
		Соф фойда	**6606**

Кузатув кенгаши

«Булунғур» ОАЖ 2004 йил 24 январда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилганлигини маълум қилади. Йиғилиш кворуми – 79,3 фоиз. Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор қабул қилинди:

«Мирзо Улуғбек» очиқ акциядорлик жамиятини «Булунғур» очиқ акциядорлик жамиятига бирлаштириб олиниши тасдиқлансин.

Кузатув кенгаши

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, тармоқ Марказий қўмиталари ҳамда вилоят касаба уюшмалари кенгашлари Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари

Юрий Асралович АСЕПКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси курортлар бошқармаси Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари

Юрий Асралович АСЕПКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

АДАБИЙ КЕЧА

Куни-кеча Тошкент Молия институти қошидаги Солиқ лицейида буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишлаб адабий кеча ўтказилди. Тадбирда ўқувчилар ижросида улуғ шоирлар ижодидан намуналар ўқилди, куй-қўшиқлар, саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Кеча ёш ўғил-қизларда катта таассурот уйғотди. Улар ўзлари учун янада кўпроқ маълумотларга эга бўлишди. Тадбирда фаол қатнашган ўқувчиларга фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари топширилди.

Т.ЭШТЎХТАРОВ

АЖИНИЁЗГА БАҒИШЛАНДИ

Бу йил қорақалпоқ адабиётининг забардаст вакилларидан бири - шоир Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудига 180 йил тўлади. Республика жамоатчилиги ушбу санага муносиб тараддуд кўрмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлимига қарашли адабиёт институтида шоир юбилейи олдидан илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Ажиниёзнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган маърузалар тингланди.

(ЎзА)

А.Қодирий номли 9-ўрта умумтаълим мактаби биноси ҳам Пахтакор шаҳридаги қўплаб корхона, ташкилот, муассаса каби марказий иситиш тармоғига уланган. Қишнинг қаҳратонида эса турли хил ишкалликлар юзага келарди. Оқибатда болалар совуқдан дийдирашар, ота-оналарнинг жони ҳалакда эди.

Ибрат

ИЛҲОМЖОННИНГ ҲИММАТИ

Тадбиркор Илҳомжон Абдусатторов иситиш мавсуми олдидан хайрли ишга қўл урди. Ёнига 13 нафар сафдошини олди-да, 1228 бола ўқийдиган мактаб биноси учун алоҳида қозонхона қуришга киришди. Туман ҳокимлиги тадбиркорларни қўллаб-қувватлади. Вилоят «Истиқлол манбаи» корхонаси билан тегишли ҳужжатлар расмийлаштириб, миниқозонхона қуришга киришилди. Тез орада бино томи ёпилиб, пардозлаш ишлари тугалланди ва қозонхона ишлай бошлади.

– Илҳомжон сингари тадбиркорлар бор бўлсин, – дейди мактаб раҳбари Эргаш Тозлибоев мамнунлик билан, – унинг ҳиммати туфайли дарсларда узилишлар юз бермади.

Туман халқ таълими бўлими томонидан мазкур мактаб қошида ташкил этилган диншунослик, миллий истиқлол ғояси, она тили фанлари бўйича таянч мактаблари ҳам бир меъёрда ишлай бошлади.

М.Раҳматова, Д.Хайриқулова, М.Ашурова, А.Қобулова, Ў.Абдуалимов сингари ташаббускор ўқитувчиларнинг жонкуярлиги туфайли ўқувчилар билим сирларини қунт билан эгаллашяпти.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

ЯХШИЛИК НАДУР, ЁМОНЛИК НИМА?

«Меҳр ва мурувват» йили муносабати билан Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри драматург Х.Хурсандовнинг «Дард кўрмаган эрка болам» асарини Термиз шаҳридаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва касб-ҳунар коллежи талабаларига намойиш этмоқда. Шунингдек, вилоят болалар қўғирчоқ театрида «Яхшилик надур, ёмонлик нима» спектакли кўрсатиляпти.

ДАЪВАТ

Республика Ёшлар театрида «Қабоҳат тузоғи - XXI» спектакли янги талқинда қайта саҳналаштирилди.

Гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари ҳақидаги бу асарга Жалол Юсупов режиссёрлик қилган. Асосий ролларни Бобур Йўлдошев, Анвар Картаев, Васса Васильева, Вера Владимирова каби иқтидорли ёш актёрлар ижро этишган.

«Ўзбектеатр» бирлашмаси ва Ёшлар театр жамоаси ҳамкорлигида саҳнага қўйилган ушбу спектакл ёшларни бу иллатдан халос бўлишга даъват этади.

А.НАБИЕВА

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 20242 Буюртма Г– 217 23456